O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

Бизнинг кўзлаган мақсад-манзилимиз очиқ ва равшан — демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш; халқимизнинг ҳаётини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш...

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 26-iyun • Seshanba • 75 (27.720) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



Президентимиз таъкидлаганидек, биз учун — нафақат маънавий етук, зукко ва билимдон, шу билан бирга, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш ягона мақсад бўлиши даркор. Ана шундай юксак мақсаднинг бир бўлаги ҳисобланган уч босқичли спорт тизимининг бош бўғини — «Универсиада — 2007» мусобақалари нафақат унинг қатнашчилари, балки бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирди.

ЙИЛЛАРГА ТАТИГУЛИК ЛАҲЗАЛАР

21-24 ИЮНЬ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ «УНИВЕРСИАДА — 2007» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ФИНАЛ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ

6-бет

«Ўзбекистон овози»нинг «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишидаги мухбирлик пунктидан махсус мухбиримиз Абдумалик ҲАЙДАРОВ хабар қилади

ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ ПЎЛАТ ИЗЛАР

...Мусаффо тонг шабадаси кишининг баҳри-дилини очади. Танингиз яйраб, ҳузурланасиз. Пурвиқор тоғларнинг баланд чўққилари ҳамда ўркач-ўркач ёнбағирлари аллақачон саратон қуёшидан қизиган. Тоғлар этагида эса ҳаёт қайнайди.

— Цемент меъёрида бўлсин, — дейди қорамағиздан келган полвонсифат йигит Анатолий Плетнёв шериги Ҳусан Ҳошимовга. — Шағалнинг жон озуғи шу нарсада. Иш ҳам осон кўчади, қурилиш ҳам мустаҳкам бўлади. Мен меҳмон билан пикетларни айланиб келаман...

Биз у билан йўлга отландик. Ерталабданоқ иссиқ забтига олаяпти. 1,5-2 чақирим олисдан гумбурлаган овоз келди. «Тоғ қоялари портлатиляпти», — дея изоҳ беради ҳамроҳим. Кўкка ўрлаган чанг-тўзон ҳудуд бағрига соя ташлайди.

— Сўнгги ишлар ҳам поёнига етаяпти, — сўзида давом этади Анатолий. — Икки юз ўн беш километрга яқин темир йўл тахт!

— Ўтган йиллар ичида катта ишлар қилинди, ҳушнуд ҳолда — давом этди у. — Янгитдан чирой очган бекатлар, 10 дан ортиқ разъезд, 450 тадан кўпроқ сунъий иншоотлар, миллион-миллион куб метр тупроқ ишлари... Бундан ташқари, жарликларни тўлдириш, қояларни «кесиш»... дегандек. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Кўприккурилиш» трести кўприксозлари эса бутунгача қирқ бешдан ортиқ каттакичик кўприклар бунёд этишди. Бугун-эрта зиммамиздаги охирги кўприк ҳам битади...

Анатолий билан (у трест бошқарув раиси ўринбосари) гурунглашган кўйи 1321-пикетга келдик. Тоғнинг қоқ бели. Илон изи йўлларда навбатдаги гуруҳ ишга киришган. Ҳадемай бу жойларга ҳам пўлат излар ётқизилади.

— Атроф гўзаллигига қаранг, — дейди ишчи Илҳом Турдиқулов. — Ҳо-о, ана у ерда «Дарбанд» бекати. Ёнидаги иншоотларнинг бири — мактаб, иккинчиси — турар-жой бинолари. Яқин кунларда улар ҳам фойдаланишга топширилади.



Суҳбатимизга ўзини участка механигиман деб таништирган Абдумўмин Алиқулов қўшилди:

— Асли ўзим андижонликман. Умримнинг қарийб ўттиз йили қурилишларда ўтган. Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Тожикистону Хитойда ҳам кўприк қурганмиз. Аммо уларнинг ҳеч бирини — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлига қиёс қилолмайман. Бойсунда кўмир, цемент, оҳак ва бошқа яна кўп конлар бор, демак, эртанги кун улар ишга тушиб, Ватан равнақига хизмат қилади...

Тушлик бўлганини ҳам сезмай қолибмиз. Қуёш тик келганда, бунёдкорлар билан пастликка туша бошладик.

— Тушликка қайнатма, кечки овқатга палов бўлиши керак, — дейди ҳамроҳларимиздан бири. — Суюғини сизга тортиқ қиламан, — шеригига юзланди у. Самимий ҳазилдан бирров кулги кўтарилди.

— Маошлар қанча бўлаяпти? — сўрадим ҳайдовчи Мамасоли Охунжоновдан.

— Яхши меҳнат қилганлар ойига 220-250 минг сўмгача олаяпти. Махсус кийим-бош беришади. Тўрт маҳал иссиқ овқат... Хуллас, барча шароитимиз яхши.

Термометр сояда 42 даража иссиқни кўрсатмоқда. Қалби бундан-да қайноқ қурувчилар ҳароратга парво қилмай биринкетин стол атрофига жамулжам бўлишди. Аччиқ кўк чой ва ҳисори қўй гўштининг шўрваси иштаҳаларни очиб юборди...

Соат 18.30 ларда қуёш тоғлар ортига ўтди. Аммо «база»да ҳамон ҳаёт қайнайди. Бир гуруҳ ишчилар бетон плита қуймоқда. Ҳайдовчилар навбатдаги сафарга ҳозирланмоқда...

Шомдан кейин чор-атрофни чироқлар шуъласи тутди. Олисяқиндан техникаларнинг шитоб билан ишлаётгани эшитилади... Бу қирлар, тоғлар катта тарихий воқеа олдида тургандек сирли сеҳрли кўринади. Тун салқинида эса ишлар қизигандан қизиб борарди.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ САДОҚАТИ, ФИДОЙИЛИГИ ВА ҚАТЪИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 21 июнь куни Андижон вилоятига сафари республикамиз ва чет эл босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда.

Жумладан, «Би-би-си мониторинг» «Ўзбекистон» канали телерепортажи асосида тайёрланган хабарида Президент Ислом Каримов Андижон вилояти фермерлари билан учрашувда 2005 йилда содир этилган Андижон воқеалари бутун халқ учун синов бўлгани ҳақида гапиргани ва қатъият кўрсатгани учун андижонликларга миннатдорлик билдиргани тўғрисида ёзади. «Би-би-си мониторинг» Ўзбекистон раҳбарининг сўзларига кўра «андижонликлар ўша синов вақтида турли ёлғонларга, қўпорувчилик ҳаракатларига қарши туриш асосида юксак матонат кўрсатиб, рўй берган воқеалар ҳақида ўз фикрларига эга бўлганини» таъкидлайди.

Шунингдек, «Би-би-си мониторинг» Ўзбекистон Президентининг андижонликларга айтган қуйидаги сўзларига эътиборни қаратади: «Бу халқимиз учун синов бўлди. Биз бундай қўпорувчилик ишларида қатнашмаймиз. Биз ўзимизнинг қатъий позициямизга эгамиз» деб, ўз садоқатингиз, фидойилигингиз ва қатъиятингиз билан ушбу синовдан мардонавор ўтдингиз. Биз «Биз киммиз?» деган саволга жавоб бериб, шубҳага борганларни тўхтатиб қолдингиз. Энди, маълум вақт ўтгандан кейин, ҳаммамиз яхши биламизки, ана шу қатъият нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда барқарорликни сақлаб қолишга ёрдам берди».

(ЎзА)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАНМОҚДА

Ўтган йилнинг октябрида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми Ҳайъати «Ўзбекистон Халқ демократик партиясида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни қабул қилгани партиямиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Зеро, ХДП фаоллари ва барча аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий савиясини юксалтириш, малакасини ошириш, уларда электорат билан ишлашнинг янги, замонавий усулларини шакллантириш партия фаолияти самарадорлигининг муҳим шартидир.

Ўтган давр мобайнида бу борада қатор ишлар қилинди. Барча даражадаги партия кенгашлари ҳузурида сиёсий семинарлар фаолият кўрсата бошлади, тингловчилар доираси аниқланди. Партия сайланма органлари аъзолари, ХДПдан сайланган депутатлар, Марказий Кенгаш экспертлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходимлари, жамиятшунос олимлардан иборат тарғиботчилар танланди, машғулотлар олиб борилди. Марказий Кенгаш ҳузуридаги ахборот-услубий кенгаш томонидан фаоллар услубий материаллар билан таъминланаяпти. Натижада, партияда сиёсий ўқув тизими шаклланди.

Июнь ойида ЎзХДП Марказий Кенгаши, май ойида минтақавий кенгашлар ва жорий ойда туман, шаҳар партия кенгашлари семинарларида ушбу ўқув йили учун режалаштирилган машғулотлар асосан якунланди. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хоразм вилоят, Тошкент шаҳар ва бошқа минтақавий партия кенгашлари семинарларида «Ижтимоий ҳимоя йили»да Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкурасининг ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принципларининг аҳамияти ҳамда партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуида машғулотлар ўтказилди. Уларда МК масъул ходим ва экспертлари, тегишли минтақавий партия кенгашлари раислари А.Асанов, А.Тошматов, П.Йўлдошев, К.Исабеков, С.Жўраева, М.Исоқов, Р.Сабуров, сенаторлар Ҳ.Ортиқбоева, Ҳ.Муҳамедов, В.Пак, Қонунчилик палатаси депутатлари М.Абдуллаева, У.Вафоев, Б.Юсупов, М.Усмонов, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар, маҳаллалар оқсоқоллари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходимлари маъруза ва ахборотлар билан иштирок этдилар. Кўплаб тингловчилар ўрганилган мавзулар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Туманлар даражасидаги машғулотларнинг ҳам жонли мулоқот, интерактив шаклларда ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Тажрибали тарғиботчи ва модераторлар иштирокчиларга кўпроқ фикр билдиришга, кузатувлари ҳақида ўртоқлашишга, таклифлар билан чиқишга кенг йўл бермоқдалар. Масалан, 21 июнь куни пойтахтдаги туман партия кенгашлари семинарларида «Ўзбекистон ХДП — мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти. Унинг бошқа сиёсий партиялардан мафкуравий ва дастурий фарқлари» мавзуидаги машғулотлар бўлиб ўтди. Уларда қатнашган 600 нафарга яқин партия фаоллари иқтисод фанлари доктори, профессор Қ.Одилов, юридик фанлари номзоди, доцент В.Кудрявцев, «Совпластиталь» қўшма корхонаси бош директори ўринбосари М.Хўжаева, «Чилонзор савдо» маркази директори Ш.Саидғозиев, Тошкент архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси С.Исматуллаева ва бошқаларнинг маърузаларини тинглаб қизғин баҳс-мунозара қилдилар.

Эндиликда машғулотларнинг барча туман (шаҳар) кенгашларида ўтишини таъминлаш ва ўқув йилини якунлаб, натижаларни таҳлил қилиш, ютуқларни оммалаштириш, камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш вақти келди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Эртага — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Бугунги шиддатли даврда ва замон заҳматкаш касб эгалари — ОАВ ходимлари зиммасига нақадар масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу — бурч, бу — юксак шарафни уддалаш, Ватан, миллат, жамият тақдирига дахлдор ўзгариш ва воқеалардан жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш, мамлакат ва дунёда бўлаётган жараёнларга холис муносабат билдириш журналистлардан профессионал маҳорат, етук билим ва фидойиликни талаб этмоқда. Бугун ушбу вазифаларни шараф билан бажаришга муяссар бўлаётган ҳамкасбларимиз оз эмас.

3-бет

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ

ОҚИЛОНА СИЁСАТ ВА ЭЛ-ЮРТ МЕҲНАТИ САМАРАСИДИР

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК КЕЗЛАРИ. Тўқсон биринчи йилнинг охири, тўқсон иккинчи йилнинг бошида республикамизда жуда кўп нарсаларда узилиш бўлган пайтларни эсланг... Унга қадар Собиқ Марказ Ўзбекистондан ҳар йили хомашёни ботмон-ботмонлаб олиб, Канададан, Америкадан харид қилган миллион-миллион тонна ғалласининг муайянгина микдорини худди садақа қилгандек берган «улуш»и ҳам деярли тугаганди, ҳисоби. Аниқроқ айтганда, заҳиранинг «таги» кўриниб қолувди.

Бир пайт денг, вазият кутилмаганда қалтис тус олди. Юртбошимиз зудлик билан омборларда қанча буғдой борлигини аниқлаб чиқишни талаб қилди. Маълум бўлдики, ҳаммаси бўлиб, саноқли кунларга етгулик дон бор экан, холос...

Қатъий кўрилган чора-тадбирлар туфайли юз бериши муқаррар бўлган дон танқислиги хавфининг олди олинди.

ИЗОҲ: Мустақилликка қадар Ўзбекистонга ҳар йили ўртача 3 миллион тонна атрофида дон четдан келтириларди. У ҳам бўлса, мамлакатимиз пахтаси толаси эвазига бериларди. Шўролар ҳукумати таназзулга учрагач, бу ғаллани ўзимиз топишимизга, ўзимиз сотиб олишимизга тўғри келди...

1992 йил. Июль ойининг бошлари. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг маърузаси бошидаёқ қуюниб айтган мана бу сўзларини ҳали-ҳали жуда яхши эслайман: **«Аввал одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қилайлик. «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деганларидек, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшитади. Қулоғига гап кирмайди».**

Бу гаплар ортида катта муаммо, ташвиш, вазифа ётарди.

...Ўша кездаги статистика маълумотига кўра, аҳолиси (90 йиллар бошида) йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш осон иш эмасди, албатта. Хусусан, валюта топиш — муаммолар муаммоси эди. Юртбошимиз юқорида тилга олинган сессияда қилган маърузасида образли қилиб, **«дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди»** деган эдилар.

Ўша даврдаги аҳволни тўлароқ кўз ўнгимга келтириш ва яна бир бор ҳис этиш учун газета тахламларини варақладим. Кўпкўп воқеа-ҳодисаларни хотирамда тиклашга уриндим. Ўша сессияда Ислом Каримовнинг халқ ноибларига қарата айтган мана бу сўзларини ўқийман: **«Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалари билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз — кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб кетмайдими?**

...Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум. Лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади... Биз айрим давлатларга ўхшаб садақага қўл чўзиб турганимиз йўқ...»

Одамда — ҳам мулоҳаза, ҳам ғурур уйғотадиган сўзлар бу!

Мамлакатда дон етиштиришни кескин ўстириш шиори ўртага ташланди. **«Республика бўйича 40 центнердан ғалла олиш, бу — қўлимиздан келадиган вазифа,** — деган ғоя билан чикди Президентимиз. — **Ахир қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз? Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча.**

ҚИЁС. 1994 йилда 2,7 миллион тонна ёки 1991 йилга қараганда 44 фоиз кўп дон етиштирилди. 1995 йилда барча турдаги хўжаликларда 4,4 миллион тоннадан ортиқ бошоқли дон етиштириш мўлжалланди. Бунга эришдик ҳам. Ўша йили пахта ва ем-хашак экинларидан бўшатиб олинган ерлардан фойдаланиш ҳисобига дон сепиладиган майдонлар ҳажми 1 миллион 472 минг гектарга етказилди. Бунинг 972 минг гектари суғориладиган майдонлар эди...

Тўғри, кейинги йилларда табиий қийинчиликлар бўлди. Қурғоқчилик — ерни ҳам қийнади, элни ҳам. Ҳосилдорлик пасайиб кетди, кўзланган мақсадларга тўла эришилмаган пайтлар ҳам бўлди, қолаверса, техника воситалари ва минерал ўғитлар етишмаган ҳолларга дуч келдик. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам умид билан тер тўкавердик.

Биргина ўтган йил — Мустақилликнинг 15 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилаётган кезларни эсланг: июль ойининг иккинчи ярмидаёқ газеталарда: **«мамлакатимиз ғалла хирмони 6 миллион 100 минг тоннадан ошди»** деган хабар берилди.

«Республикамиз деҳқонлари учун бу йил чинакам «ғалла йили» бўлди, — дейишди ўшанда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари. — Муваффақиятлар замирида, аввало, она ерга меҳрини берган ғаллакорларимизнинг жасоратли меҳнати, иқтисодий ислоҳотларни чуқур англаш, соҳада замонавий илғор технологияларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, турли тупроқ шароитига мос ғалла навларини оқилона жойлаштириш каби машаққатли саъй-ҳаракатлар мужассам топди...»

ҲАЙРАТЛИ МУЪЖИЗА. Илк кезларда республика бўйича суғорма ерлардан гектар бошига ўртача 21-22 центнердан ҳосил олинди. Шунда баъзилар «Суғорма ерларни пахтадан олиб, ҳосилдорлиги паст ғаллага ажратишимиз шартми?» — дегувчилар ҳам бўлди. Бироқ, кенг қўламли ислоҳотлар тез орада ғалла ҳосилдорлигининг тобора юксалиб боришини таъминлади. Фарғона, Наманган, Самарқандда гектарлар ҳосилдорлиги 45-50, Андижонда 72-73 центнерга етди. Ҳатто, шимолий ҳудудимиз — Қорақалпоғистон ва Хоразмда 45-50 центнерлик маррани «қора»лади.

Бир сўз билан айтганда, ғаллачилик сердаромад соҳага айланиб, тармоқ ҳосилдорлиги қўшни республикаларга қараганда 1,5-2 бараварга ортди. Жамоалар мўмайгина соф фойда ола бошлашди. Қишлоқлардаги оилалар уйларида 5-10 қопгача ун захираси пайдо бўлди. Чунки, аҳоли ўз томорқасида дон етиштириш тажрибасини ўрганиб олди. Мамлакат тарихида илк бор четга ун экспорт қилишга киришилди...

Қаранг-а, жуда қисқа муддат ичида четнинг ғалласидан қарамликдан қутилиб, ҳатто донимизни четга экспорт қилиш даражасига эришиш, аниқроғи, олти миллион тонналик сарҳаддан ўтиш — ҳайратли мўъжиза..!

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПГАН ДАСТУР. Зудлик билан ишлаб чиқилган муҳим ҳужжат — мамлакат аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон билан таъминлаш юзасидан махсус дастур босқичма-босқич амал қилиб, қатор муаммолар ўз ечимини топа бошлади:

Биринчидан, аҳолини кафолатланган тарзда дон маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти юзага келди;

иккинчидан, деҳқонлар учун янги-янги иш жойлари ва қўшимча даромад манбаи яратилди;

учинчидан, пахта майдонларининг бир қисми қисқартирилиб, бу майдонларга ғалла экилиши ҳисобига экинларни алмашлаб экиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш имконни вужудга келди;

тўртинчидан, ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш эвазига сабзавот етиштириш ҳажми кўпайди. Бу ҳам деҳқонлар учун қўшимча даромад манбаи бўлди;

бешинчидан, четдан ғалла сотиб олиш учун сарфланадиган валюта иқтисод қилиб қолинди;

олтинчидан, Ўзбекистон дон ва дон маҳсулотлари бўйича ўзга давлатларга қарамликдан қутилди;

еттинчидан, чорва моллари учун озуқа базаси янада мустаҳкамланди.

...Гапнинг рости, ушбу битиклар қоғозга тушаётган ҳозирги лаҳзаларда мамлакатимизда ғалла ўрим-йиғими авжи палласига кирди. Айрим туманларда, ҳатто республикамизнинг шимолий ҳудуди — Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа тумани фермер хўжаликларида 12 июнь куниёқ буғдойга ўроқ тушганлигини ўз кўзимиз билан кўриб, ҳайратга тушдик...

Тасаввуримда, ҳозир мамлакатимизнинг олис-олис қишлоқлари ҳовлиларида гуруллаб ёнаётган оловлар, бозиллаган чўғда қизиган тандирлар, уларда қўлларига рапида кийиб олиб нон ёпаётган уй бекалари, қипқизариб пишган баркашдек-баркашдек нонларнинг узиб олинаётгани — ҳаммаси-ҳаммаси жонланаяпти. Оналаримиз, опа-сингилларимиз ва янгаларимизнинг гўдакларини суюнтириш учун ёпган тешик кулчалари ҳам кўз олдимга келаяти.

Баъзида чойхоналарда, ошхоналарда одамлар овқатланиб бўлиб, ортиб қолган нон бурдаларини хонтахтада қолдирмай, ўзи билан бирга олиб кетаётганини кўрганда, тўғриси, ичимиздан суюниб кўямиз. Чунки, ўша одам ҳеч қачон «нонга пулим кетган» деган важ билан эмас, мутлақо бундай эмас, аксинча, нонни дунёда энг азиз ва буюк мўъжиза деб билгани, улуғлагани, увол қилмаслик кераклигини тушунгани учун ҳам шундай қилади. Тўғри қилади! Унинг ушоғи ҳам нон, ахир! Шу маънода, доннинг донаси ҳам дон дегинг келади, беихтиёр.

Нон ҳиди... Таърифларга муҳтож эмас. Кимки унинг қудратига ишонмас экан, бир бурда нон учун азиз умри остоналарда кечган, истибдод чеккан боболарнинг мозий кунларига назар солсин. Истиқлол йиллари қулочини кенг отган, адоғи нақ уфқларга бориб туташган мустақиллик буғдойпоялари шууримни қамраб олади. Раҳматли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги сатрлари кўнглимдан ўта бошлайди:

Мен таъзим қиламан
буғдой пойига,
Ҳали ҳеч кимса-ку
бошим эгмаган.
Одамлар бор ахир,
туққан жойига,
Бир бошоқ буғдойча
нафи тегмаган.
Чўксин қошингизга тоғлар,
қоялар, Сиз бунга
лойиқсиз буғдойпоялар...

...Ҳаётда оддий бир янгиликдан тортиб, оламшумул ғояларнинг пайдо бўлиши ҳеч қачон енгил кечмайди. Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси билан бошланган Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати осонликча амалга ошмади... Бу сиёсат — мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллиги билан бевосита боғлиқ, бевосита дахлдор ҳолда олиб борилиб, пировардида, республика аҳолиси ўз донига, ўз нонига эга бўлди. Шунга айтади-да «Бировнинг бергани — кўргулик, меҳнатнинг бергани — тўйгулик» деб. Давлатимиз раҳбари таъбири билан мухтасаргина айтганда: **«Яратганга минг бор шукрки, ўз донимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик».**

Шукр, минг бор шукр!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

- **Мустақилликнинг учинчи йили арафалари — 1994 йилдаёқ республикада 1992-1993 йилларга нисбатан хўжаликларнинг экин майдонлари 2,7 баробар ортиб, уларда дон етиштириш 3 баравар кўпайди.**
- **1995 йилдан эътиборан, мамлакатда дон ҳосили харид нархини босқичма-босқич жаҳон нархлари даражасига етказиш ҳаракати бошланди.**
- **2003 йилдан бошлаб, ҳар бир йилимиз «ғалла йили» бўла борди. 2003 йилдаёқ 5 миллион тоннадан зиёд, 2004-2005 йилларда 5,5-5,8 миллион тонна атрофида, 2006 йилда эа 6 миллион 100 минг тоннадан ошиқ дон етиштирилди.**
- **Мустақилликнинг 16-йили — 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳам Ғалла йили бўлиши кутилмоқда!**

☑ **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари дастлаб Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилаётган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида», «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Шунингдек, фракция аъзолари **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож таърифи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институтционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида «Ахборот коммуникация технологияларининг амалда қўлланиши қоидалари» қўлланмасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз).

☑ **ЎзХДП ҳаёти**

ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати 27 июнь куни мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни нишонланиши муносабати билан бир гуруҳ журналистларни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон ХДП матбуот нашрларида ва бошқа ОАВда сидқидилдан меҳнат қилаётган партиямизга хайрихоҳ ижодкорлардан ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши газетаси «Қарақалпақстан ҳаўази» бош муҳаррири Алписбай Ибодуллаев ва «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» дирекциясининг Хоразм вилояти бўйича мухбири Шухрат Маткаримов ЎзХДП Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти журналистлари, республика теле ва радиоканалларининг қатор ходимлари ҳам эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, қарорда Марказий Кенгаши раҳбарияти номидан журналистларнинг бир гуруҳига миннатдорчилик изҳор этилган табрик хатлари юборилиши кўзда тутилган.

Партиямизнинг жойлардаги тузилмалари маҳаллий ОАВ ходимлари орасида фаоллик кўрсатаётган қаламкашларни ҳам уларнинг касб байрамлари муносабати билан табриклашмоқда.

Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам ижодкорлар!

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ТЕЛЕСТАНЦИЯЛАР ФАОЛИЯТИ МУҲОКАМАДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА) ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида Бухоро, Самарқанд ҳамда Сирдарё вилоятларидаги ҳудудий телестанциялар фаолияти билан яқиндан танишиш, ижодий-техник ходимлар учун яратилган шароитларни ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган кўчма семинар якунларига бағишланган умумий конференция бўлиб ўтди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан уюштирилган мазкур тадбирда иштирокчилар дастлаб Бухоро вилоятидаги «Коинот», «Осиё» телевидениеларининг янги биноларини кўздан кечиришди, «Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси фаолияти билан яқиндан танишишди. Шунингдек, семинар давомида Гулистондаги «Жамоатчилик эфирга узатиш компанияси» янги тасвирга олиш комплексининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда ҳар бир телестанциянинг дастурлари, ЎзЭОАВМАнинг 2007 йилга мўлжалланган ривожланиш дастуридаги грант лойиҳалари асосида тайёрланаётган маҳсулотлар бўйича ижодий мулоқотлар уюштирилди.

«Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида бўлиб ўтган ЎзЭОАВМА аъзоларининг умумий конференциясида мазкур ривожланиш дастури ижроси, ҳудудий телерадиостанциялар томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросининг ёритилиши ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига тайёргарлик бўйича тадбирлар дастури муҳокама этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ЎзНТТ орқали Радио-телевизион узатиш маркази техник имкониятларидан фойдаланган ҳолда радиодастурларни эфирга узатиши учун 14 та ҳудудий телестанцияга тақдим этиладиган радиоузатгичлар сертификати топширилди. Шу билан бирга нодавлат телерадиостанцияларнинг ижодий ва техник ходимларидан бир гуруҳи рағбатлантирилди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Арипов иштирок этди.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири.

☑ **Ҳолат**

«ЗИЛОЛ СУВ»НИ ҚУРИТГАНЛАР

ЁКИ СОХТА ИМЗОЛАР ВА ЎТКАЗИЛМАГАН МАЖЛИС БАЁННОМАСИ ҲАҚИДА

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, хусусий мулкка эркинлик яратилди. Фуқароларда қонуний йўл билан бойиб, хусусий мулк яратиш учун имконият пайдо бўлди. Бу қулайликдан фойдаланган Республика яйлов-мелиорация қурилиш бирлашмасининг Намангандаги 480-МПМКси «Зилол сув» лойиҳа-қурилиш акциядорлик фирмасига айлантирилди. Куни кеча ҳавойи, баландпарвоз шиорлар билан яшаётганлар онгида аста-секинлик билан «менинг мулким», «дивиденд» деган тушунчалар синга бошлади.

Низом жамғармасининг 70 фоизи ишчи-хизматчилар, 25 фоизи Республика «Оби-ҳаёт» бирлашмаси, 5 фоизи эса Пахтабанк Тошбулоқ бўлими улушини ташкил этган корхонада мулкка бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши, мулкка нисбатан хўжайинлик ҳиссининг ортиши тез орада ўз натижасини кўрсата бошлади. Йилига 130 км.дан ортиқ қувур ётқизилди, 80 та тоза сув артезиан қудуқлари ковланди. Республика буюртмаси билан Фарғона, Жиззах, Тошкент вилоятларида лойиҳа-қурилиш ишлари бажарилди.

1

Ишчи-хизматчиларнинг даромади сезиларли ортди. Жамиятнинг ёрдамчи хўжалигидан улар ва собиқ ишчилар хонадонларига гўшт, сут маҳсулотлари тарқатилди. Корхона иши вилоят аҳолисининг тилига тушди. Фирма қисқа муддатда ҳам бўйига, ҳам энига кенгайди.

«Янги ҳаёт» массивида 20 та турар-жой, «Косонсой» сиҳатгоҳи ҳудудида қариялар ва ногирон болалар учун соғломлаштириш объектлари қурилди ва бу бинолар фойдаланувчилар учун беғараз ёрдам сифатида улар ихтиёрига берилди. Жамоа раҳбари Турғунпўлат Ҳошимов меҳнати ҳукуматимиз томонидан тақдирланиб, у «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» бўлди.

Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан бошланган бозор иқтисодиёти, хусусий мулкчилик тўғрисида ҳали тўла тушунчаси бўлмаган баъзи бир кишиларга бу ердаги иқтисодий ва маънавий юксалиш ғалати кўринди. Бир куни «Зилол сув» ҳовлисига ишчи-хизматчилар қўққисидан ёғилиб келишди. Уларнинг кўпи олдиндан ёзилган «сценарий»дан мутлақо бехабар эдилар.

Намойишбозликдан сўнг Т.Ҳошимов бетоб бўлиб қолди. Илгари корхонада прораб бўлиб ишлаган Латифжон Хўжаев раҳбар лавозимини эгаллади. Янги раҳбар фирма Низомини ўзгартирди. Низомнинг 5-модда 7-бандига акциядорларнинг мулкий ҳуқуқларини чеклайдиган бир қатор жумлалар киритилди. Оқибатда бошқарув жамият иш юритувида якка ҳокимликка эга бўлиб олди.

Унинг раҳбарлиги пайтида, яъни 1993-1998 йиллар акциядорлар олдида бирон марта ҳисоб берилмади. Акциядорлар дивиденд олиш у ёқда турсин, жамиятнинг фойда ёки зарар билан чиққанлигидан бехабар қолавердилар. Ҳатто ўтган йиллар мобайнида жамият кузатув кенгаши таркиби амалда умуман сайланмаган ҳолда ишлаб келди.

Энг қизиғи, 1998 йил жамиятнинг мулк шакли ўзгартирилиб, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Лекин бундан акциядорлар мутлақо бехабар қолган. Аммо йиғилиш ўтказилди, деб ҳужжатлаштирилган эди. Ҳатто қатнашганлар рўйхати ва тўғрисида имзолар ҳам бор эди. Масалан, ушбу 1998 йилдаги йиғилиш «қатнашчилар»и орасида 1994 йил 5 июлда вафот этган Холиджон Ҳикматуллаев, 1995 йил 25 ноябрда вафот этган Содиқжон Солиев ва 1997 йил вафот этган Садриддин Йўлдошевларнинг борлигига нима дейсиз?

2

Лекин юқоридаги сохта баённома акциядорлик фирмасининг масъулияти чекланган жамиятга айланишига омил бўлди. МЧЖга 2001 йил 16 январда мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери топширилди.

Вилоят мулк бошқармаси буйруғининг 6 бандини ўқиймиз: **«...мулк шаклини ўзгартирилиши муносабати билан янги ташкил этилган «Зилол сув» МЧЖ (собиқ) лойиҳа-қурилиш фирмасининг тўла вориси бўлади».** Лекин негадир мулк шакли ўзгаргани ишчи-ходимлар ва акциядорлардан сир тутилди. Улар орадан 7 йил ўтиб бу нарсани билиб қолиб турли идораларга ёзув-чизув қилишди.

Ниҳоят вилоят прокуратураси акциядорлик фирмасининг МЧЖга айланишига асос бўлган йиғилиш қарори ва уни тасдиқлаган Наманган тумани ҳокимлигининг қарорини бекор қилиш бўйича ўтган йил сентябрда судга даъво аризаси киритиб, унинг натижасини ўз назоратига олди. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди юқоридаги ҳолатларни «элак-элак» қилди. Тақдим этилган ҳужжатларни обдон ўрганди. Янги ҳолатларга ҳам қонуний баҳо берди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Рустам Раупов, Олимжон Иномов, Маҳмуджон Абдуллаев, Нурилло Иномов, Аҳмаджон Асқаров, Насимжон Икромов сингари ўнлаб акциядорлар умумий йиғилиш ҳақида хабардор этилмаганликлари, мулк шакли ўзгартирилганидан бехабар эканликларини таъкидладилар.

Жамиятнинг собиқ акциядорлари Лутфулло Мамажонов, Анвар Иномов, Латифжон Шарипов каби шахслар умумий йиғилишга қатнашмаганликлари, мулк шаклини ўзгартиришга розилик варақасидаги имзолар уларники эмаслигини айтишди.

Суд вилоят прокуратурасининг «Зилол сув» лойиҳа-қурилиш МЧЖнинг ташкил этилишига асос бўлган 1998 йил 30 апрелдаги умумий йиғилиш қарори ва туман ҳокимининг 1999 йил 28 апрелдаги қарорини бекор қилиш ҳақидаги даъвоси ҳамда акциядорлар вакилларининг вилоят давлат мулки бошқармасининг 2001 йил 16 январдаги мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерини бекор қилиш ҳақидаги қўшимча даъвосини қаноатлантирди.

3

Кассация инстанцияси ҳам муқаддам чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди. Хуллас, адолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар кўмагида қарор топди. Лекин кишини ўйлантирадиган жиҳати бир пайтлар эл оғзига тушган «Зилол сув» ҳақида бугун одамлар, айниқса, мутахассислар ачиниб гапиришади. Дарҳақиқат, унинг аввалги фаолиятининг ўндан бири ҳам ҳозир мавжуд эмас. Жамоада иш ҳам, манфаатдорлик ҳам сусайган. Уни турли томонга судровчилар сони ортган. Назорат йўқолган. Натижада акциялар миқдори бўйича ҳам ноаниқ ҳолатлар юзага келган.

Маълум бўлишича, 1991-1992 йиллар давомида 5 дона акция эгаси бўлган жамият раиси Латифжон Хўжаев 1998 апрелига келиб 45 дона қимматли қоғоз эгаси бўлиб қолган. Дастлаб биронта акцияси бўлмаган Зоҳида Қорабоева, Мусахон Абдуллаев, Неъматжон Йўлдошев, Ҳафизхон Маматхоновлар бугунги кунда анча-мунча акция эгалари...

Яхши ният билан ташкил этилган «Меҳр-шафқат» жамғармасига фирма фойдасидан 100 дона акция олиб берилган эди. Кейинчалик эса бу қимматли қоғозлар қанот чиқариб, борса келмас томонга учиб кетган. Дастлабки акцияларни жойлаштириш мобайнида мулкдорга айланган 13 нафар ишчи-ходимнинг 200 дан ортиқ акциялари бугунги кунда йўқ...

Қимматли қоғозларнинг 25 фоизига эга бўлган Республика «Оби-ҳаёт» бирлашмаси номидан мулк шаклини ўзгартиришга Л.Хўжаевнинг ўзи имзо чеккан экан. Судда у Республика бошқаруви раиси томонидан ўзга ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқини берувчи ишончнома тақдим этди. Қизиғи, бу ҳужжат йиғилиш ўтказилган кундан икки ойу 20 кун ўтгандан сўнг (1998 йил 20 июль) берилган экан.. Буни қандай тушуниш, бу ҳолатга қанақа баҳо бериш керак? Юқорида МЧЖга айлантириш жараёнидаги сохтакорликлар, марҳумларни тирилтириш «операциялари» ҳақида гапирган эдик. Бу кимга керак бўлиб қолган? Корхона раҳбариятининг фаолиятни ривожлантириш ўрнига шунақа ишларга йўл излаши нимани англатади?

Бизнингча, одамларга фойдаси тегиб келаётган, кўп савоб ишларни амалга оширган бир корхонани барбод қилганлар сувдан қуруқ чиқиб кетмаслиги лозим.

4

Раҳимжон ИРИСОВ, журналист.

Бурч масъулияти

АЙТАР ГАПИНГ АНИҚ БЎЛСИН...

Кечагидай ёдимда... Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги хавотир, одамлар кўзидаги ҳайрат, эртанги кунимизга бўлган ташвишли саволлар. Эҳтиёжимиз учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги, навбат кутаётган одамлар... Назаримда, ҳаммаҳаммаси ваҳимада, эртага нима бўлишидан ташвишда эди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишнинг янги, ўзига хос ва ўзига мос моделига асос солинди. Аста-секинлик билан шаҳар, қишлоқлар қиёфаси ўзгара бошлади. Ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширила борди. Одамларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлди, улар рангига ранг кирди. Бозорларимиз қайта қурилди, мўл-кўлчилик кўзга ташлана бошлади. Янги иморатлар, мактаб, коллежлар кўзни қувонтиради, равон йўллар, замонавий кўприклар... ҳамма-ҳаммаси имкониятларимиз, қудратимиздан дарак бера бошлади. Одамларда ҳаётга, яшашга бўлган завқ, меҳр-муҳаббат кучайди. Шу ўринда савол туғилади: бу бунёдкорлик ишларида, бўлаётган ўзгаришларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни қандай? Бу янгиланишлар улар зиммасига қандай вазифалар юклади?

Албатта, бу жараёнларда ОАВнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Истиқлол қадри ва имкониятларини тарғиб қилиш, одамларни мамлакатда бўлаётган янгиланишлардан ўз вақтида хабардор қилиш, уларни руҳан қўллаб-қувватлашда ОАВнинг ўрни катталигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Бунёдкорлик ишлари ҳақида публицистик мақолалар, рисолалар, ҳужжатли фильмлар дунёга келди, айни пайтда ҳам янги-янги асарлар яратилмоқда. Буларнинг ҳаммаси айтиб адо қилиб бўлмайдиган ютуқлардир. Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, ҳали бу тарихий ўзгаришлар, замонамиз қаҳрамонлари олдида қарзимиз кўплигини англаймиз. Назаримда, бу улкан ўзгаришлар, янгиланишларни талаб даражасида ёритиш, бугуннинг қаҳрамонлари образини яратиш учун янада кўпроқ изланишимиз жоизга ўхшайди. Негаки, бугун ҳаётимиз шундай тез ривожланмоқдаки, гоҳида давр билан баробар қадам ташлашга улгурмаётгандаймиз. Назаримда, қилишимиз зарур бўлган юмушлар кутиб қолаётгандай туюлади.

Ҳар йили Юртбошимиз биз журналистларга байрам табриги йўллайдилар. Унинг мазмунмоҳиятига қарасак, нафақат қутлов, балки жуда катта ишонч, жуда катта эътибор борлигини сезамиз. Бу табрик баҳонасида матбуотимизнинг ютуқлари билан бирга, журналистлар олдида турган энг долзарб вазифалар ҳам белгилаб берилади.

Журналистиканинг нони қаттиқ, дейишади. Рост гап. Аввало, айтар гапимиз аниқ бўлиши керак. Ҳар бир сўзнинг ўз масъулияти бор. Минг бора ўйлаб-ўйлаб, кейин сўзлаш керак. Аммо касбимизнинг ўзгача завқи, ўзгача хайрли томонлари ҳам бор, албатта. Ҳар бир ишимиз замирида миллат манфаати, халқимиз манфаати ётади. Менимча, бундан улуғроқ, бундан савоблироқ иш йўқ.

Инобат НОРМУРОДОВА,
журналист.

Ҳамкасб ҳақида сўз

ТИНИБ-ТИНЧИМАС «АХБОРОТЧИ»

Юртимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. ОАВ ичида радио ўзининг тезкорлиги билан ажралиб туради. Табиийки, бунда радиожурналистлардан ҳам катта тажриба ва меҳнат талаб қилинади. Тиниб-тинчимас журналист Азим Пўлатов ҳақида гап кетса, кўпчилик ижодкорлар уни ўз касбининг фидойиларидан бири дейишади. У киши «O'zbekiston» телерадиоканалининг «юраги» ҳисобланган «Ахборот» муҳарририятида ишлайди. Азим ака билан суҳбатлашган одам эса ўзини қизиқтирган барча саволларга бемалол жавоб топиши мумкин.

Эркин Воҳидов бир шеърида шеърнинг ўзи тўрт сатр эканлигини, шоир аҳли ўзини ана шу тўрт сатрида кўрсатишини» таъкидлаган эди. Қандайдир маънода радионинг «Ахборот» муҳарририятида ишлайдиган журналистларга ҳам худди ана шу талаб қўйилади. Чунки улар воқеа-ҳодисаларни қисқа сатрларда тингловчиларга етказиши керак. Бу борада Азим акадан кўп нарсани ўрганиш мумкин. «Сўнгги ахборот», «Халқаро воқеалар», «Дунё», «Минтақа хабарлари», «Оқшом тўлқинларида» каби эшиттиришларни мазмунли ва сифатли тайёрлашда унинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Одатда радиода эрталабки бериладиган хабарлар кечқурун тайёрланади. Агар шу куни тунда бирор-бир оламшумул ҳодиса юз бериб қолгудек бўлса, албатта, биринчи бўлиб «Сўнгги ахборот»да берилади. Азим Пўлатов эса эрта тонгда диктор ёки бошловчиларга қўнғироқ қилиб, ўша воқеани тингловчиларга ўз вақтида етказишда жонбозлик кўрсатади.

Азим ака ҳар бир ишга чуқур масъулият билан ёндошади. Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлайди, уларга йўл-йўриқ кўрсатади. Энг муҳими, ноёб касб сирларини ипидан игнасигача ўргатади.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ.

Акциядорлик тижорат
«ПАХТА БАНК»
ЖАМОАСИ
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан
мамлакатимизнинг барча ижод аҳлини
чин дилдан муборакбод этади.
Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг маънавий-маърифий дунёсини бойитишдек масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда уларга ижодий муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди.

Орамиздаги одамлар

БЕДОР ҚАЛБ

Ромитан шаҳарчасида мўъжазгина, ҳар хил гуллару мевали дарахтлари бисёр бир ҳовли бор. Унда камсуқум, тиниб-тинчимас қаламкаш Жўра Фозил яшайди. У сўзнинг қадрига етадиган, қудратига ишонадиган адиб. Ҳаётда кўп қийинчилик, машаққатли кунларни бошидан кечирганлиги учунми, касбига садоқати, ҳурмати бўлакча.

— Қишлоқдаги ҳовлимизнинг ёнидан лойқа сувли ариқ оқиб ўтарди, — деб хотирлайди ҳамкасбимиз. — Супасида эса иккита балхи тут, чорбоғда уч туп ёнғоқ, шафтоли, анжир, анор ўсар, пахса девор ёқасида эса гилос дарахти бор эди. Ана шу ҳовлимизни кўп эслайман. Ўша уй, ундаги рангин хотиралар туфайли адабиётга меҳрим тушган.

Жўра Фозил аввал Ромитан туман газетасида мусаҳҳиҳ бўлиб ишлаган ва сиртдан ҳозирги ЎзМУ журналистика факультетини тамомлаган. Кейинчалик «Ромитаннома» газетаси муҳаррири этиб тайинланди.

Илк китоби 1991 йилда «Муҳаббатнинг байрамлари» номи билан нашрдан чиқди. Мазкур асар тезда қўлма-қўл бўлиб кетди. Шундан сўнг бирин-кетин «Барқут мавсум», «Бухоро элчиси», «Ибтидо ва интиҳо», «Қизил қуюн», «Бухорийнинг қайтиб келиши», «Айрилиқ остонаси» каби қатор ҳикоя ҳамда қиссалар тўпламларини ўқувчиларига ҳавола этди.

— Жўра Фозил ҳозиржавоб журналист бўлибгина қолмай, балки дадил, журъатли ёзувчи эканлигини айниқса кейинги йилларда яратган асарлари билан исботлади, — дейди Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори Охунжон Сафаров. — Адиб кўпчилик асарларида Бухоро тарихининг турли даврларини бадиий акс эттиргани унинг туғилиб ўсган маконини нақадар севишидан дарак беради.

— Жўра акани одамийлиги юксак инсон сифатида ҳам ҳар қанча қадрласак арзийди, — дейди шоир Дилмурод Жаббор. — Адиб бугун ҳам ўз ижоди билан шу даврда кўпчиликка эзгулик улашмоқда. Қачон борманг, уйи меҳмонга, ишхонаси ижодкорга тўла.

Ҳа, қарийб қирқ йилдан буён журналистикада қалам тебратаётган бедор қалбли ҳамкасбимиз ўзининг ўткир қалами билан умр гулшанини безайверсин.

Даврон БАҲРОНОВ.

Суратларда: «Ўзбекистон» телевидениеси «Ахборот» информацион дастури спорт шарҳловчиси Дилрабо Муродова; «Ўзбекистон» телерадиоканали маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар муҳарририяти болалар ва ўсмирлар бўлими ижодкорлари; республика газеталари ёш журналистларидан бир гуруҳи; «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал иқтисодий дастурлар бош муҳаррияти ходимлари.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Бугун — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

УМР ЗАВОЛИ

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, ўтган йили Афғонистонда 165 минг гектар майдонда кўкнори ўсимлиги экилиб, 6100 тонна опий наркотик моддаси олинган. Бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 48,8 фоизга кўпдир. Натижада бу мамлакат дунё миқёсида шу турдаги гиёҳванд воситани етказиб берувчи «энг илғор» давлатга айланиб қолмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, ана шу мамлакатдан гиёҳванд моддалар ғайриқонуний йўллар билан дунёнинг айрим мамлакатларига тарқалмоқда. Бизнинг республикамиз орқали эса гиёҳвандлик савдосига қанчадан қанча қарши курашлар олиб борилаётган бўлса-да кулфат келтирувчи «оғу»нинг четга чиқарилиши ҳоллари учраётир. Бунинг устига Сурхондарё вилоятининг ўзида ҳам таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни ноқонуний равишда етиштириш ҳолатлари учраб гурибди.

Жорий йил давомида ҳам вилоятда тақиқланган ўсимликларни етиштиришга йўл қўймаслик, қўшни давлатлардан кириб келаётган наркотик моддалар оқимини тўсиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан маҳаллий ҳокимият, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда «Қорадори — 2007» ҳамда «Тўсиқ» махсус тадбирлари ўтказилди.

Тадбирлар давомида Бойсундаги Дарбанд йўл патруль хизмати масканида вилоят ИИБ ходимлари томонидан Денов — Урганч йўналиши бўйича ҳаракатланаётган 30 F 0036 давлат рақамли автобус тўхтатиб текширилганда унинг юкхонасидан автоулов назоратчиси А.Х.га тегишли помидор солинган қутилар ичидан 1 кг.дан ошиқроқ опий гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинган. Шунингдек, Қумқўрғон туманида яшовчи О.Жуманинг ҳовлиси кўздан кечирилганда 232 туп кўкнори етиштирилаётганлиги маълум бўлди.

Вилоятда шу йилнинг 1 май кунидан 10 июнига қадар жами шу оғир жиноятга доир 38 та ҳолат аниқланиб, 47 нафар фуқарога нисбатан жиноят иши қўзғатилган, 995,6 квадрат метрдан ошиқ жойда таркибида наркотик модда бўлган ўсимликлар йўқ қилинган.

— Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш натижасида инсон соғлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солинаётгани бугун янгилик эмас, — дейди жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раиси Ўктам Холиқов. — Шунингдек, булар криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Кўпинча у уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади. Айниқса, бу иллатнинг вояга етмаганлар орасида кенг тарқалаётгани катта хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларга боғлиқ жиноятлар турларининг аксарияти ижтимоий хавфлилик даражаси инобатга олинган ҳолда Жиноят кодексида оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар туркумига киритилган.

Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш оқибатида аянчли аҳволга тушиб қолган инсонлар қисмати бошқа кишиларни ҳушёрликка чорлаши керак. Чунки мутахассисларнинг кузатишларига қараганда, гиёҳвандликка рўжу қўйган шахсларда бошқаларни ҳам шу йўлга бошлаш психологияси мавжуд бўлар экан.

Шу ўринда вилоят наркология диспансерида даволанаётган бир беморнинг қандай қилиб шу йўлга кириб қолганини мисол тариқасида келтиришни жоиз деб билдик.

У ҳам бир вақтлари яхшигина уй бекаси бўлган. Рўзғор ташвишлари билан югуриб-елиб юрган, яхшигина тўй қилиб қиз чиқарган, келин олган, неваралари бор. Шўрликнинг эри гиёҳвандлик дардига мубтало бўлиб, турмуш ўртоғини кунда уриб-сўккан. Энг даҳшатлиси «Чексанг, оғриқни сезмайсан» деб ўз хотинини ҳам ана шу оғир иллатга ўргатган. Аввалига бир йил мобайнида аёл чекиш йўли билан героин истеъмол қилган. Кейинчалик тўмирига ола бошлаган. Фожиани қарангки, ота-она охир-оқибат ўсмир қизини ҳам героин истеъмол қилишга ўргатишган. Ҳозир у ҳам вилоят наркология диспансерида даволанаётганлардан бири.

— Ҳаммаси ҳазил-ҳузулдан бошланди, — дейди беморлардан бири. — Таниш-билишлар билан «бир чекиб кўрайлик, қандай бўларкан», дедим. Биринчи марта ёқмади. Иккинчи марта ўзимни сал енгил ҳис қилгандек бўлдим. Учинчи марта... Аввалига ҳафтасига бир, кейинчалик кунора «оғу»дан истеъмол қиладиган бўлдим. Икки ойлар ичида хуморга ўтирдим, чекмасам кўздан ёш оқиб, бурундан сув келиб, кўл-оёғим оғрийдиган бўлди. Афсус, минг афсус қаёқдан ҳам ана шу балога ўргандим, бугун жабру жафосини тортмоқдаман...

Одатда, одамлар гиёҳвандлардан яқинлари, фарзандларини опқочишга ҳаракат қиладилар. Лекин бу билан муаммонинг ечими топилмайди. Гиёҳвандликдан сақланиш учун аввало оила, маҳалла, мактабларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтиришимиз зарур. Зеро, гиёҳвандликдан сақланиш эмас, балки унинг инсон умрининг заволи эканлигини ҳар бир киши чуқурроқ англаб етмоғимиз муҳим.

Курбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

«СУРХОНПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий бирлашмаси ва тизимдаги очиқ акциядорлик жамияти жамоалари

Юртимиздаги барча фидойи журналистлар, ноширлар ва матбаа хизмати аҳлини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан муборакбод этади.

Бугун ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлардан биринчи навбатда оммавий ахборот воситалари орқали воқиф бўламиз.

Шу боис ўз касбига садоқатли, ҳамиша эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган Сиз азизларга мустаҳкам соғлик, ижодий ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.

Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин!

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи: «Мурувват уйи» ва «Саховат уйи»ларини мукаммал таъмирлаш.

ЛОТ-1:

1-1. Фарғона шаҳри, Гулистон кўчаси, 9-уй, «Саховат уйи»

1-2. Қўқон шаҳри, эркаклар «Мурувват уйи»

1-3. Ўзбекистон тумани, Қудаш қишлоғи «Мурувват уйи»

Ҳар бир объектнинг таъмирланиш муддати — 25.08.2007 й.

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси.

Манзил: Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 4-уй, телефон/факс: 224-53-68, 224-50-36

Қурилиш-монтаж ишлари бюджет, ҳомийлар ва шахсий маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлигига, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60.000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2007-2008 ўқув йили учун 8 та йўналиш бўйича қабул эълон қилади

(9-синф битирувчилари учун)

1. Тоғ-кон электр жиҳозлари.
2. Электр таъминоти.
3. Қора ва рангли металларни эритиш ва қуйиш.
4. Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика.
5. Бухгалтерия ҳисоби.
6. Компьютер тармоқлари ва офис жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш.
7. Металлургия ишлаб чиқариш, юк кўтариш машиналари ва транспортёрлар.
8. Мактабгача ва оилавий таълим.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади

— Директор номига ариза;
— 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
— 3х4 ўлчамдаги 8 дона фотосурат;
— Маҳалла қўмитасидан доимий яшаш тўғрисидаги маълумотнома;
— Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт нусхаси;
— Мактабни тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома;
— Эмланганлиги (прививка) ҳақидаги маълумотнома.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги таълим йўналиши бўйича

(11-синф битирувчилари учун)

1. Металлургия ишлаб чиқаришда юк кўтариш машиналари ва транспортёрлар.
2. Саноат корхоналари ва фуқаро иншоотларида электромонтаж ишлари.
3. Қора ва рангли металларни эритиш ва қуйиш.
4. Бухгалтерия ҳисоби.

Ўқиш муддати 1 йилу 8 ой, шартнома асосида.

Ҳужжатлар шу йилнинг 20 июнидан 1 августигача қабул қилинади.

Манзилимиз: Олмалиқ шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси, 25-уй.

Телефонлар: 61-4-49-36, 61-4-80-51, 61-4-81-55, 61-4-46-28.

Бугунги кунда коллежимизда 1152 нафар ўқувчи юқоридаги мутахассисликлар бўйича таълим олмоқда.

Коллеж бирқанча олийгоҳлар ва Навоий давлат Кончилик институти билан васийлик шартномалари тузган. Шартномага асосан, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари институтнинг профессор, ўқитувчилари билан ҳамкорлик ишларини олиб борадилар.

Коллеж ўқувчилари Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ОАЖ ва яна 24 та турли корхона, катта-кичик ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида ишлаб чиқариш муассасаларида амалиёт машғулотларини ўтказадилар.

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК»

Ҳамюртларимизга қуйидаги юқори фоизли янги омонат турлари мавжудлигини маълум қилади.

«Nihol» — омонат турига маблағлар 1 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизларни омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилиши кафолатланади.*

«Kamalak» — омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

«Navbahor» — омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 20 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

«Nilufar» — омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизларни омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилиши кафолатланади.*

«Shodlik» — омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 22 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

«Bahor» — омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

«Sevinch» — омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 20 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. *Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*



«Нафақа-мададкор» — омонат турига маблағлар 1 йил сақлаш ва йиллик 15,1 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Коммунал омонати» — Омонат турига маблағлар 3 ой ва ундан ортиқ сақлаш ва йиллик 18,0 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Ishonch» — омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик 15,1 дан 17,1 фоизгача устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Luks» — Омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик 15,6 дан 17,6 фоизгача устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Kafolat» — омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик 16,1 дан 18,0 фоизгача устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

Пластик карточка — Талаб қилиб олгунча, муддатсиз омонат турига маблағлар йиллик МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Саломатлик» — омонат турига маблағлар 11 ой сақлаш ва йиллик 16,8 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.

«ҒАЛЛАБАНК» омонатлари келгуси даромадларингиз кафолатидир!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

«ВАТАН ХИЗМАТИГА ОҚ ЙЎЛ!»

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ ТОПШИРИШ ТАНТАНАСИДА АНА ШУНДАЙ СЎЗЛАР АЙТИЛДИ



Бахтиёр бу кунни орзиқиб кутган эди. Бугун у ички ишлар академияси дипломини қўлга олади, елкасига лейтенатлик погонини тақади. Энг ҳаяжонлиси, устозларидан олган сабоқларини оқлаш учун бугундан бошлаб хизматга отланиши керак — Ватан хизматига!

Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин 4 йил ўқиган қадрдон даргоҳ билан, ота-онадек азиз ва меҳрибон устозлар, ака-укадек бўлиб қолган дўстлар билан хайрлашиш...

Муҳиддин Салимохунов, Нодир Барноев, Жамшид Расулов, Ёдгорбек Азимбоев, Меирбек Куккузов, Баҳодир Муҳаммаджонов, Матлуба Эшқобилова, Фотима Матниязова каби жами 488 нафар битирувчилари ана шундай ҳис-ҳаяжон билан бугунги кунни кутиб олди.

— Академиямиз, биласиз, мустақиллик меваси, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги қарори асосида ташкил этилган, — дейди жиноятларнинг олдини олиш кафедраси бошлиғи, милиция полковники, юридик фанлари доктори Исомиддин Исмоилов. — Битирувчилар тўрт — тергов, тезкор-қидирув, жиноятларнинг олдини олиш ва эксперт-криминалистлик фаолиятлари мутахассисликлари бўйича таҳсил олдилар.

Бундан ташқари, бугун «ички ишлар идораларининг бошқарув фаолияти» мутахассислиги бўйича 49 нафар офицерга ҳам «Жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини сақлашни бошқариш ташкилотчиси» квалификацияси берилади.

Академия майдони. Битирувчилар ва бошқа тингловчилар саф тортган. Бир тарафда гулдасталар кўтарган ота-оналар, қавму қариндошлар, дўстлар-биродарлар. Оркестр жўрлигида майдонга академия байроғи олиб кирилади. Битирувчиларга дипломлар топширилади.

— Боламнинг катта-катта қадам босиб, «Ватанимга хизмат қиламан!», — дея диплом олаётган ҳолатини кўзимда ёш, қалбимда фахр билан кузатдим, — дейди Бахтиёрнинг онаси Омина опа Муҳаммаджонова. — Формаси бирам ярашиб турибди-ей...

Боласининг бўйлари ўсиб, балоғатга етганини кўрган онанинг қалбидан ўтаётган туйғуларни сўз билан таърифлаш қийин, албатта.

«Бир пайтнинг ўзида чақалоқлиги, бешиги устидаги уйқусиз тунлар, бебошлиги, қайсарлиги, ҳамма-ҳаммаси хаёлдан ўтавераркан. Тўғриси, ғурурланиб ўтирибман. Ўғлим танлаган касб осон эмас, машаққатли. Лекин мана шу ерда йиғилган барча ота-оналар каби фарзандим халқимга хизмат қиламан, деб шарафли касбни эгаллаганидан хурсандман», — дейди Омина опа ҳаяжон ила.

— Кўплар милиция ходими бўлиш эркакларнинг иши деб ўйлашади, — дейди битирувчи Дилноза Мирзаева. — Лекин одамларнинг осойишталиги, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва жиноятчиларга қарши аёвсиз курашишни мақсад қилганлар орасида аёлларимиз ҳам кўплаб топилади. Мен ёшлигимдан форма кийиб, жиноятчиларга қарши курашаман, деб орзу қилардим. Шу ният 2003 йилда мени бу ерга етаклаб келди. Ҳозиргина диплом олдим, эзгу ниятим амалга ошаяпти...

Дарҳақиқат, Ички ишлар академиясида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни, жиноятчиликка қарши курашишни мақсад қилган тинчлик ва осойишталик ҳимоячиларига куни кеча академия дипломи тантанали равишда топширилди.

Битирув тантанасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Республика олий таълим муассасаларининг раҳбарлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва республика жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этдилар. Барчанинг тилаги шу бўлди — халқимиз осойишталиги ва Ватан хизматига оқ йўл!

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГАП ФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДА ЭМАС

Банк ва мижоз

БАЛКИ БИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛАЁТГАН МИЖОЗЛАР ИШОНЧИДА, — ДЕЙИШМОҚДА ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ «САВДОГАР» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИ

Истиқлол шарофати билан тузилган Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат қўшма банки фаолияти йил сайин юксалмоқда. Бугунги кунда банк активларининг умумий миқдори 2007 йил бошига келиб 58 миллиард 716 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу 2006 йил шу даврига нисбатан 10 миллиард сўм кўп, демакдир.

Агар «Ижтимоий ҳимоя йили» тарзида тарихга кирадиган 2007 йилнинг ўтган беш ойини назарда тутадиган бўлсак, банк активлари миқдори бундан-да кўпайганлигига амин бўламиз. Ҳозир банкнинг жойларда 28 та ҳудудий филиали, 47 та мини банклари, 36 та халқаро пул ўтказиш шохобчалари фаолият кўрсатаяпти.

Айниқса Навоий вилоят филиали кейинги икки йилда мижозлар сони 180 тага кўпайди. Ёки уларнинг умумий сони 769 тадан ошди. Шу йил охиригача мижозлар сони яна юзтага ошиши кутиляпти.

Шубҳасиз, «Савдогар» банкка мурожаат этувчилар сони ва салмоғи йил сайин ортиб бориши бежиз эмас?

Бозор муносабатлари, иқтисодий ислоҳотлар даврининг бирдан-бир талаби замонга қараб иш тутиш, ҳар бир тийиннинг қадрига етиш ва уни ўз ўрнида сарфлашдир. Шунинг учун халқимизда «иш билганга — минг танга», деган ибратли нақл бор. Банкка мижозни жалб этишнинг ягона йўли, бу — адолат тарозиси, одиллик мезони билан иш юритиш. Чунки одиллик ва адолат бор ерда мурожаат қилувчилар сони мутассил ортади. Филиалда жами 285 киши фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 70 фоизи олий маълумотли, банк ва банк ишига дахлдор бўлган етук кадрлардир. Кадрлар қўнимсизлиги, бошбошдоқлиги ҳал этилган ерда эса иш қўлами ортади. Бу эса мижоз учун ҳам, банкка бўш маблағини ишониб қўйувчи омонатчи учун ҳам кони фойда.

Кадрларнинг жой-жойига қўйилганлиги, уларнинг чинакам молиячи, иқтисодчи эканлигидан келиб чиқиб, вазифага тайинланганлиги иш унумида қатъий тартиб-интизомни, иқтисодий устуворликни таъминлаяпти, — дейди филиал бошқарувчиси Баҳодир Жумаев. — Жамоамизда Илҳом Ражабов, Собир Мажидов, Жавлон Шукуров, Шарофат Ражабова, Нуриддин Ҳайдаров, Камолиддин Абдиев, Санжар Шукуров сингари мутахассислар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг чинакам меҳнати, саъй-ҳаракати сабаб ойлик, чораклик, йиллик кўрсаткичлар ошиб, шартномавий режалар бекаму кўст бажариб келинмоқда.

Аслида ҳам шундай, ўз ишига содиқ, касбига меҳри баланд ходимгина мижоз ишончини, ҳурматини қозона олади. Дағал, қўпол, ўз манфаатини бошқалардан устун қўйувчи ходимлардан эса мижоз қочади. Филиалимизнинг яна бир хайрли иши бу — тадбиркорлар, ишбилармонлар билан яқин мулоқотда ҳамқадам, ҳамфикр бўлиб ишлаётганимиздадир. Масалан, кейинги икки йил мобайнида Муҳиддин Саидов, Зилола Тўхтаева, Эргаш Жўлдиев, Орзигул Элбекова сингари фуқароларга у ёки бу муддатдаги кўплаб имтиёзли кредитлар берилди. Уларнинг самараси ҳам ёмон бўлмади. Кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Масалан, «Фито-Фарм-Лек» масъулияти чекланган жамиятига банк томонидан бундан икки йил олдин 200 миллион сўмлик кредит берилган эди. Бу жамият 25 та янги иш ўрни яратди. Ёки «Якка тадбиркорлик таъминоти» ишлаб чиқариш корхонасига 15 миллион сўмлик кредит ажратилганди. Бу корхона аҳли Хатирчида тўйхоначойхона мажмуаси қурди ва мебелсозликни йўлга қўйди. Натижада бу ерда ҳам 20 га яқин янги ишчи ўринлари очилди. Навоий шаҳар 9-кичик туманидаги «Навоий-Интернет» масъулияти чекланган жамиятига сервис хизмати учун 7 миллион сўм кредит берилганди. Бу ерда аҳолига намунали сервис хизмати кўрсатиш, халқаро телефон алоқаси учун асос солинди. Бу ҳам ўз ўрнида янги-янги ишчи ўринлари демакдир. Хатирчи туманидаги «Алишер-Анвар» хусусий корхонасига эса 30 миллион сўмлик кредит ажратилди. Улар аҳолининг кундалик эҳтиёжи ва рўзғор моллари билан талабини ўз вақтида қондиришга хизмат қиляпти. Хуллас, шу ва шунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари филиалда аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб этиш борасидаги ишлар ҳам замон талаби даражасида. Филиалда: «Сармоя», «Баҳор», «Ифтихор», «Жозиба», «Қувонч», «Севинч» каби муддатли ва фоизли омонат турлари бўлиб, бу ўз ўрнида омонатчиларга қатор қулайликлар туғдирмоқда. Айниқса, бугунги кунда банк жамоаси томонидан 4,5 мингдан ортиқ пластик карточкалар чиқарилиб, савдо, маиший хизмат, коммунал тўловларда кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, савдо нуқталари ва тўлов шохобчаларида 65 та терминал доимий равишда ишлаб турибди.

Зеро, салоҳиятли, иқтисодий устуворлиги таъминланган банкгина мижозлар сони ва сифатида тўла барқарорликка эриша олади. Буни «Савдогар» банкнинг Навоий вилоят филиали жамоаси яхши англаган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *банк фаолиятидан лавҳалар.*

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ, ҚАРШИ ШАҲАР БОЛАЛАР «МУРУВВАТ УЙИ» ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Қарши шаҳар болалар «Мурувват» уйининг тугалланмай қолган 1-ўқув турар-жой блокининг 4- ва 5-корпуслари, 2-блокининг 6-корпуси (фойе)ларини қуриб тугаллаш.
Қурилиш муддати — **3 ой.**
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 300.000.000 сўм.
Буюртмачи — **Қарши болалар «Мурувват» уйи.**
Манзил — **Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.**
Қурилиш ишларини молиялаштириш — **Давлат бюджети ва ҳомийлар ёрдами маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ НОГИРОНЛАРНИ ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА КАСБ БЎЙИЧА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

◆ **Вилоят ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий марказини капитал таъмирлаш.**
Қурилиш муддати — **2007 йил 15 август.**
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 115.909.900 сўм.
Буюртмачи — **Қашқадарё вилояти ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий маркази.**
Манзил — **Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.**
Қурилиш ишларини молиялаштириш — **Давлат бюджети ҳамда ҳомийлар ҳисобидан амалга оширилади.**
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:
◆ **етарли касбий ва техникавий малакага;**
◆ **иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;**
◆ **молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;**
◆ **шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;**
◆ **юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.**
Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: **Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.**
Тел/факс: (8-375) 223-10-63.
Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.
Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.
Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси, 5-уйда жойлашган савдо ташкилотчиси биносида ўтказилади.

ИСТЕЪФОГА КЕТАЁТИБ...

НУФУЗЛИ МУКОФОТДАН ҚУРУҚ ҚОЛИШИ МУМКИН

Муддатидан аввал истеъфога кетаётган Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Бирлашган қироллиқнинг энг нуфузли мукофоти — Боғичли Ордендан қуруқ қолиши мумкин. «Sunday Telegraph» ҳафтаномасининг маълум қилишича, Букингем саройи Блэрни ушбу мукофот билан тақдирлаш ниятида эмас. Муқобил сифатида Тони Блэрга Шотландиянинг олий рицарлик орденини таклиф этишмоқда. Бироқ, нашрнинг таъкидлашича, бош вазирнинг атрофидагилари унинг Шотландия орденидан воз кечишини шама қилишган.

Гап шундаки, анъанага мувофиқ Буюк Британиянинг бош вазирлари ўз лавозимидан кетаётганида Британия монархи томонидан уларга рицарлик унвони берилади. 1348 йилда Англия қироли Эдуард III томонидан тузилган Боғичли Орден Европада сақланиб қолинган қадимий рицарлик орденларидан бири ҳисобланади.

«КИМЁВИЙ АЛИ»

ЎЛИМГА ҲУКМ ЭТИЛДИ

Ироқнинг жиноий ишлар бўйича олий трибунали Саддам Ҳусайннинг амакиваччаси Али ал-Мажидни ўлим жазосига ҳукм этди. У 80-йиллар охирида Ироқ шимолида ўтказилган «Ал-Анфал» («Ўлжа») амалиётига бошчилик қилган эди. Ироқнинг курд аҳолисига қарши ўтказилган мазкур амалиёт чоғида 180 минг киши ҳалок бўлганди. Суд Эрон билан чегарадош Халабж шаҳри аҳолисига қарши кимёвий қурол қўлланилганлигида Али ал-Мажиднинг айбдор эканлиги тўла исботланганлигини маълум қилди. Бундан аввал тўрт кишига нисбатан ҳам айблов ҳукмлари чиқарилганди. Мамлакатнинг собиқ мудофаа вазири Султон Ҳошим Аҳмад ва армия бригадаларидан бирининг қўмондони Ҳусайн Рашид ат-Тикритий ўлимга, ҳарбий разведканинг собиқ бошлиғи Собир Абдал Азиз ад-Дури ва Ироқнинг шимолий вилоятларидаги махсус хизматлар раҳбари Фарҳон Мутлоқ Солих умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилганди. Фақат бир киши — Мосул шаҳрининг (Ироқ шимоли) собиқ губернатори Тоҳир Тауфиқ ал-Анидан далиллар етишмаслиги боис айблов олиб ташланди.

Маълумки, 1988 йил мартида Курдистоннинг Халабж шаҳри аҳолисига қарши ушбу кампанияда кимёвий қурол қўлланилганлиги натижасида 5 минг курд, шу жумладан болалар ва аёллар ҳалок бўлганди. Ана шу ёвузлик учун ал-Мажид «Кимёвий Али» лақабини олганди. Суд мажлисларидан бирида айблов томони ал-Мажиднинг айбини исботлаш учун аудиоёзувни тақдим этди. Унда Ҳусайн билан ал-Мажид ўртасидаги музокаралар қайд қилинган. Сўзлашув чоғида улар курд аҳолисига нисбатан кимёвий қуролдан фойдаланиш масаласини муҳокама этишган.

Умуман олганда Саддам Ҳусайн қатлидан сўнг аҳоли ўртасида «Ал-Анфал» иши бўйича ушбу жараёнга нисбатан қизиқиш у қадар бўлмади. Фақат интиқомни, энг аввало ал-Мажидга нисбатан интиқомни кутаётган курдларгина бундан мустаснодир. «Курдлар бу кишининг дорга чиққанида унинг кўзларига қарашни, унинг осилганлигини кўришни истайди. Халабжда ўз яқинларини йўқотган кишиларнинг дардларини ҳисобга олиш лозим», — деди Киркук шаҳрилик курд савдогари Сарид Қодир «Новости» РАА билан суҳбатда. Унинг сўзларига кўра, «Ал-Анфал» иши бўйича судланувчилар курсисида ўтирган кишиларга нисбатан ҳукм «бошқалар учун сабоқ бўлиши лозим».

ЛИВАН ЖАНУБИДА ПОРТЛАШ

НАТИЖАСИДА ТЎРТ ИСПАН ҚУРБОН БЎЛДИ



Ливан жанубида шу мамлакатдаги БМТ муввакқат кучлари (ЮНИФИЛ)га тегишли икки зирҳли машинанинг миналардан портлаши натижасида испаниялик тўртта тинчликпарвар ҳалок бўлган. Ливан хавфсизлик хизмати шу ҳақда маълум қилган. Яна олтита испаниялик ҳарбий хизматчи яраланган. Қўпорувчилик оқибатида зирҳли машинадан бири буткул ёниб кетган, иккинчисига зарар етган. Можаро Исроил билан чегарадош Ал-Хиём шаҳрида рўй берган. Шиаларнинг радикал «Хезболлах» ҳаракати ҳалқаро ҳамжамиятнинг тинчликпарварларига нисбатан амалга оширилган террорчилик хуружини қоралаб чиққан. «Хезболлах»га тегишли «Ал-Манер» телеканали шу ҳақда баёнот берган.

ЮНИФИЛ ҳарбий хизматчилари, Ливан хавфсизлик кучлари, армия қисмлари йўлларни тўсган ва итлар ёрдамида бошқа миналарни қидирмоқда.

ЯНГИ РОБОТЛАР

125 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИГА БАҲОЛАНМОҚДА

Японияда яратилган ҳар қандай об-ҳаво шароитида мустақил ишлай оладиган роботдан табиий офатларда қутқарувчи сифатида ва турли оғир ишларда фойдаланиш мумкин.

Бўйи 160 сантиметр, вазни 68 килограмм бўлган ушбу робот 15 миллион иенага (125 минг АҚШ долларига) баҳоланган. Маълумотларга кўра, «Кавада когио» ва «Кавасаки дзюкогио» компаниялари ҳамда Илғор саноат технологиялари институти мутахассислари 2010 йилда бундай роботни серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида.

«АРКОС»НИ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ

АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Маълумотларга қараганда Кариб денгизида «Аркос» — сувости кабелининг шикастланиши оқибатида Лотин Америкасидаги миллионлаб одамлар интернет тармоғидан узилиб қолган. Колумбия аҳолисининг эллик фоиздан зиёди эса уч кундан буён ушбу «жаҳоний ўргимчак тўри»дан фойдалана олмаяпти.

«Коламбус нетворкс» компаниясининг хабар беришича, сувости кабелидаги носозлик июнь ойининг ўзида учинчи марта содир бўлаётир. Айни вақтда «Аркос»ни таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

ЙИЛЛАРГА ТАТИГУЛИК ЛАҲЗАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимиздаги энг замонавий спорт иншоотларида ўтказилган мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган ўн тўрт жамоа спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди. Баҳслар якунида ғолиб ва совриндорларга 212 та олтин, 212 та кумуш ва 234 та бронза медаллари топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов совғаси — «Дамас» автомашинаси, «Универсиада-2007» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси, олтин медаль ҳамда биринчи даражали диплом Тошкент шаҳри терма жамоасига тақдим этилди.

Универсиада мусобақалари якунида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринга сазовор бўлган Наманган вилояти терма жамоасига Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси, кумуш медаль ва иккинчи даражали диплом берилди.

Умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд вилояти вакилларига Президент совғаси — «Дамас» автомошинаси, бронза медали ва III даражали диплом топширилди.

Шунингдек, «Универсиада-2007» баҳсларида юқори кўрсаткичларни қайд этган бир қатор иқтидорли талаба-спортчилар ҳам турли номинациялар бўйича қимматбаҳо совғалар соҳиби бўлдилар. Жумладан, мусобақалар якунида баскетбол бўйича Қашқадарё вилояти терма жамоаси аъзоси Фарҳод Ҳамроев — «Ғалабага бўлган иродаси учун», сузиш бўйича навоийлик Пётр Раменский — «Энг юксак натижаси учун», дзюдо бўйича бухоролик Ришод Собиров — «Энг чиройли усул соҳиби», белбоғли кураш бўйича сурхондарёлик Алишер Мирзаев — «Энг тез ғалаба соҳиби», Наманган вилояти терма жамоаси аъзоси Наталья Шаповалова — «Теннис маликаси», волейбол бўйича Отахон Абдурамонов (Қорақалпоғистон Республикаси) — «Энг кучли боғловчи ўйинчи», футбол бўйича хоразмлик Рўзимбой Аҳмедов — «Энг кучли ҳужумчи», стол тенниси бўйича Алия Исмоилова (Тошкент вилояти) — «Энг нафосатли спортчи» номинациялари ғолиблари, деб топилдилар.

Навбатдаги Универсиада эстафетасини Андижон вилояти талабалари қабул қилиб олди.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳаётининг муҳим бир бўлагига айланиб бораётган талаба йигит-қизлар учун «Универсиада — 2007» мусобақалари чинакамига маҳорат ва шижоат, ғўзаллик ва нафосат кўриги вазифасини ўтади. Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган талаба-спортчилар нафақат ўзаро баҳс юритдилар, балки янги-янги дўстлар орттирдилар, спорт майдонларида ўз маҳоратларини оширдилар. Ушбу спорт байрами доирасида кундан-кун чирой очаётган азим шаҳар Тошкентнинг тарихий ёдгорликлари, диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилди. Эл суйган санъаткорлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида адабий кечалар, ижодий учрашувлар, концерт дастурлари ташкил этилди.

Шоҳиста ЖУМАНИЁЗОВА, Урганч давлат университети иқтисод факультети талабаси, Хоразм вилояти кўл тўпи терма жамоаси аъзоси:

— Етти йилдан бери кўл тўпи билан шуғулланаман. Якунланган мусобақада финалгача барча рақибларимизни енгиб, фақат ҳал қилувчи учрашувдагина мезбонларга ютқазиб қўйдик. Энг муҳими, Универсиадалар тарихида Хоразм вилояти гандболчи қизларининг кумуш медални қўлга киритишига ҳисса қўшганимдан жуда хурсандман.

Биродар АБДУРАИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, ЎФФ терма жамоалар техник директори:

— Универсиада баҳслари футбол талаба-ёшларнинг севимли спорт тури эканлигини яна бир карра исботлади. Мусобақалар бир қатор кутилмаган натижаларнинг қайд этилгани билан диққатимни тортди. Жумладан, аввалги универсиада мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган Наманган вилояти терма жамоасининг бу гал кучли саккизликка ҳам кира олмаганлиги кўпчиликни ажаблантирди. Менга айниқса, Сурхондарё вилояти футболчилари намойиш этган ўйинлар манзур бўлди. Уларнинг финалда асосини мамлакатимизнинг етакчи клублари ҳамда Олимпия терма жамоаси аъзолари ташкил этган Тошкент шаҳри вакилларига қарши кўрсатган чиройли ўйинларини алоҳида таъкидлаган бўлардим. Уларни чин маънода мусобақа «кашфиёти» десак арзийди.

Нигора МУҲАММАДИЕВА, Термиз давлат университети жисмоний маданият факультети IV курс талабаси:

— Мураббийим Наталья Холодова билан «Универсиада — 2007»га пухта тайёргарлик кўрганим ўз самарасини берди. Натижада 100 ва 200 метр масофага югуриш бўйича маррага учинчи бўлиб етиб келдим ва қўшалоқ бронза медалларини қўлга киритдим.

Тошкентда ўтган ҳар бир дақиқа қалбимда муҳрланиб қолди, десам янглишмайман.

Ҳа, мамлакатимиз ёшларини бирлаштирган, баҳслаштирган, дўстлаштирган «Универсиада — 2007» мусобақалари ана шундай таассуротларга бой ўтди. Унда қайд этилган натижалар, муросасиз кечган баҳсу беллашувлар ҳақида эса ҳали кўп эсланади, гапирилади ва ёзилади...

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири. Муҳаммад АМИН ва Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

Кадрият

ЗИЁРАТГОҲ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Ислом оламидаги етти пирнинг бири, Баҳоуддин Нақшбандийнинг устози Саййид Мир Кулол мангу хилқат топган қадимий Сухар қишлоғида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Яқинда Бухоро вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан бу ердаги мақбарани қайта қуриш ишлари бошланди.

Вилоят қурилиш ва меъморчилик бошқармаси ижодий гуруҳи тайёрлаган янги лойиҳага асосан пиру комилнинг янги мақбараси аввалгисидан тўбдан фарқ қилиб, катта ва маҳобатли кўринишга эга бўлади. Эни 8, узунлиги 15 метрли бино биридан иккинчисига ўтиладиган паст гумбазли зиёратхонадан иборат тарзда қурилади. Саййид Мир Кулолнинг рамзий қабри эса ертўла остидаги сағана устида барпо этилади.

— Зиёратгоҳ ўзига хос меъморий ечими билан бошқа мақбараларга асло ўхшамайди, — **дейди вилоят ҳокимлиги архитектура қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гиёс Давронов.** — Яна бир гап. Унинг дарвозаси янгидан шарқона услубда қурилиб, бир томонида китоб, иккинчи томонида совғалар дўкони қад ростлайди. Масжид яқинидаги ҳовуз кенгайтирилиб, атрофи ободонлаштирилади.

Ана шу эзгу амални бажаришда бугун когонликларга бутун вилоят аҳли ҳамнафас бўлаётгани, айниқса, қувонарли. «Бухорогазсаноатқурилиш», «1-Вилоятқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари, «2-Бухорожамқурилиш» уюшмаси, Бухоро махсус илмий-таъмирлаш устахонаси, «Мир Кулол» хусусий трести бинокорлари ҳамжиҳатликда меҳнат қилишмоқда.

— Ушбу савобли ишнинг бошланиши халқимизнинг улуғ аждодларга бўлган эҳтиромини яна бир бор намоён этади, — **дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Бухоро вилояти бўйича вакили, Баҳоуддин Нақшбанд жомеъ масжиди имом-хатиби Абдулғофур ҳожи Раззоқов.** — Ишончим комилки, қад ростлаётган янги мақбара халқимиз ҳамда хорижлик меҳмонларнинг муқаддас қадамжосига айланади. Бу эса Тошкентнинг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинган йилда бу эътирофга бухороликларнинг муносиб жавоблари бўлади.

(Ўз мухбиримиз).

Кўнгил дафтари

МЕН АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ

Ўзи туғилиб ўсган масканни қадрлай олган, улуғлаган инсонгина Ватан тушунчасини қалбан ҳис қилади. «Ватан остонадан бошланади» деб бежиз айтишмаган.

✧✧✧

Ичимдаги ўй-хаёлимни ҳеч ким билмайди, деб ўйлайдиганлар адашади. Юракнинг сезиш қобилияти кўзнинг кўришидан минг карра кучлидир. Фақат нодонларгина буни англамайдилар.

✧✧✧

Иқтидорсизлар бир-бирига меҳри, самимияти бўлмаса-да, муайян мақсад йўлида тезда бош қўшадилар. Чунки якка ҳолда уларнинг қўлидан ҳеч иш келмайди.

Аксинча, иқтидорли одамлар унча-бунчага бирикмайдилар. Негаки, улар ўз кучларига ишонадилар.

✧✧✧

Иккиюзламачи кўрқоқ келади, аммо ҳеч нарсадан уялмайди.

✧✧✧

Учинчи одам ҳеч қачон бегонадан чиқмайди. У доимо ёнингда юрган касдир.

✧✧✧

Қирғоқда турган билан дарёда сузишни ўрганиш мумкин бўлмаганидек, жамиятга аралашмасдан уни идрок этишнинг ҳам иложи йўқ.

✧✧✧

Икки нарса жамоани инқирозга олиб келади. Биринчиси — кўпчилик билган нарсани сир сақлашга интилиш. Иккинчиси — ҳамма билиши мумкин бўлмаган нарсани ошкор этиш.

✧✧✧

Меҳр-муҳаббатни дуру марваридга ўхшатишда эҳтиёт бўлайлик. Чунки улардан тақинчоқ ясайдиганлар ҳам топилиб қолади.

Фармон ТОШЕВ, журналист, ЎзХДП фаоли.

Интер-спорт

МАШҲУР БОКСЧИНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Собиқ мутлақ жаҳон чемпиони, россиялик Константин Цзю устидан ғалаба қозонган англиялик машҳур боксчи Рикки Хаттоннинг обрўси тобора ошиб бормоқда. У яқинда биринчи ярим ўрта вазн бўйича IBO йўналишида чемпионлик унвонига сазовор бўлди. Хаттон Лас-Вегас шаҳрида мексикалик Хосе Луис Кастильони нокаутга учратиб, кетма-кет 43-ғалабага эришди. Ҳозир у қайси вазнда бўлишидан қатъи назар машҳур Флойд Мейвезер билан учрашишни орзу қилмоқда.

ДУРАНГГА РОЗИ БЎЛИШДИ

Дортмунд шаҳрида кучли шоҳмотчилар ўртасида анъанавий халқаро турнир бошланди. Мусобақада амалдаги жаҳон чемпиони Владимир Крамник билан жаҳон рейтинги бўйича етакчилардан саналган ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ҳам иштирок этмоқда. Ҳар иккала шоҳмотчининг ўзаро учрашуви 35-юришга борганда томонларнинг розилиги билан дуранг бўлди. Мусобақада эса оқ доналарда биринчи учрашувни немис Аркадий Найдичга қарши ўтказган озарбойжонлик Шаҳриёр Мамадиёров ғалаба қозониб, пешқадам бўлиб турибди. Исроиллик Борис Гельфанд билан россиялик Евгений Алексеев, норвегиялик Магнус Карлсен билан венгер Петер Леко учрашувлари ҳам дуранг бўлди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши Чиноз туман кенгаши раиси ўринбосари, вилоят кенгаши аъзоси **Суннатилла ХИЛОЛИТДИНОВ**нинг вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«КОСОНСОЙ» СИҲАТГОҲИ

СОФ ҲАВО ВА МАЪДАНЛИ СУВЛАР МАСКАНИ

Юртимизда шундай хушҳаво, шифобахш сувли сиҳатгоҳлар борки, дунёнинг манаман деган оромгоҳларидан қолишмайди. Ана шундай масканлардан бири Чотқол тоғ тизмалари этагида, соҳил бўйида, Наманган вилояти, Косонсой туманида жойлашган «Косонсой» сиҳатгоҳидир. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси курортлар бош бошқармасига қарашли бу сиҳатгоҳ тоза ҳавоси, табиий маъданли суви билан тобора кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда.

— Сиҳатгоҳимиз асосан юраккон томир, ҳаракат ва таянч аъзолари, нафас йўллари ҳамда ҳазм органлари касалликларини даволашга ихтисослашган, — дейди сиҳатгоҳ директори Нўъмонжон Мўйдинов. — Бугун бизда даволанаётган юз нафардан ортиқ кишига 7 нафар малакали шифокор, 19 нафар ҳамшира ва бошқа ходимлар хизмат қилмоқда. Одамларнинг кўнгилдагидек дам олиб, даволанишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ёзда ҳудудимизда ўртача ҳаво ҳарорати +20-24, қишда -1, +1 даражани, нисбий намлик эса ёзда 40, қишда 60 фоизни ташкил этади. Денгиз сатҳидан 943 метр баландликда жойлашган сиҳатгоҳимиз ҳавоси инсон саломатлигига ҳар жиҳатдан ижобий таъсир этиши малакали мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилган. Шу боис асосий даволаш омили иқлим ва табиий маъданли сувдан иборат. Сиҳатгоҳ ҳудудидан чиққан минерал сувдан фойдаланиш ҳам бугун яхши самара бермоқда.

Шунингдек, бизда беморлар дарсонлизация, УВЧ, электросон, ампилипульс, тонус, полюс, кварц, саллюкс, ЭСВ, парафин, электромассаж, электрофорез, сув ости массажи каби физиотерапия воситалари ёрдамида муолажалар қилинади. Ҳатто ичакларни ювиш, гинекологик касалликларни даволаш хоналари ҳам мавжуд. Фитобаримизда 20 га яқин доривор ўсимликлардан 5 хил шифобахш чой тайёрланади. Даволанаётганларнинг касалликларига қараб уч маҳал иссиқ парҳез таомлар тайёрланади. Қувват берувчи шифобахш гиёҳлардан иборат дамламалар муолажаларимиз самарасини бир қадар оширмоқда.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши сиҳатгоҳнинг даволаниш бўлимини таъмирлаш учун 131 млн. сўм маблағ ажратди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида сплеотерапея, андрология хоналари, сауна, ёпиқ сув ҳавзаси ва ванналар ишга тушди, 3 та массаж, ЭКГ ва игна билан даволаш хоналари ташкил этилди.

Бугун жамоада Гулбара Қурбонова, Муҳаммадали Мамасаидов каби ўз касбига фидойи, тажрибали шифокорлар хизмат қилмоқда. Жамоанинг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиши натижасида кейинги йиллар давомида бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. Хусусан, сиҳатгоҳ икки йил илгари республика танловида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон курортлар бош бошқармасининг 1-даражали дипломи, медали ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. 2006 йилда ўтказилган «Ҳамшира — 2006» кўрик-танловида ушбу маскан вакиллари фахрли 1-ўрин соҳиби бўлишди.

Биз сиҳатгоҳ шароитлари билан танишар эканмиз, бир ва икки кишилик шинам хоналарда дам олувчи ва даволанувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Атроф гўзал, тоза ҳаво... Бундан ташқари, бу ерда маданий-маърифий тадбирлар, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказилиб туриларкан.

— Уч йилдан бери Андижон шаҳридан келиб, шу ерда дам олиб, ўз соғлигимни тиклаб кетаман, — дейди Иброҳим Умаров. — Шифокор ва ҳамширалари беморларга жуда меҳрибон. Улар ўзларинг ширин сўзлари билан ҳар қандай касални оёққа турғаза олишади.

Дунёдаги энг бой мамлакат — эли соғ мамлакат деб қараладиган бўлса, мазкур сиҳатгоҳ ходимлари юртимиз бойлигига бойлик қўшиб келаётганига гувоҳ бўлдик.

Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
11250 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 00.45
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda